

## Нисоб камайиши масаласи | Фикҳ дарслари (304-дарс)



19:00 / 24.10.2024 2109

**Бир йил тўлгандан кейин ҳалок бўлиши унинг ҳиссасичани соқит қилади.**

Закот молга фарз бўладими ёки мол эгаси зиммасигами?

Ҳанафий мазҳабида «Молга фарз бўлади», дейилган.

Ҳанбалӣ, моликий ва шофеъий мазҳабларида «Молнинг эгасига фарз бўлади», дейилган.

Шунга биноан, закоти фарз бўлганидан кейин мол ҳалокатга учраса, учала имом наздида эгаси бошқа томондан закот топиб бериши шарт.

Ҳанафий мазҳаби бўйича шарт эмас.

Аллоҳ таоло: **«Уларнинг мол-мулкларида маълум ҳақ бордир»**, деган (*Маъориж сураси, 24-оят*).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Қирқта қўйдан бир қўй»**, деганлар.

Шунинг учун агар нисобнинг ҳаммаси ҳалок бўлса, закотнинг ҳаммаси соқит бўлади. Агар баъзиси ҳалок бўлса, ҳалок бўлган миқдорнинг ҳиссасича закот соқит бўлади.

**Закот нисобдир, афв қилинган нарсада эмас.**

Закот бобида «афв» деганда бир нисоб билан иккинчиси орасидаги мол англанади.

Мисол учун, қўй қирқтага етганидан то бир юз йигирматага етгунича бир дона қўйни закотга берилади. Қирқта қўйдан ҳам бир дона қўй, бир юз ўн тўққизта қўйдан ҳам бир дона қўй закотга берилади. Демак, қирқ биттадан то бир юз ўн тўққизтагача «афв» ҳисобланади.

**Агар қирқта туядан бир йил тўлгандан кейин ўн бештаси ҳалок бўлса, бинти мухоз бериш вожиб бўлади.**

Аслида қирқта туяси бор одам битта бинти лабун туяни бериши лозим эди. Аммо қирқта туянинг ўн бештаси ўлиб, йигирма бештаси қолди. Ана ўша қолган ададдан закот берилади. Йигирма бештадан ўттиз бештагача бўлган туялардан битта бинти мухоз туяни закотга бериш лозим. Шунинг учун ҳалок бўлганини чиқариб ташлаб, қолганидан беради.

**«Кифоя» китобининг иккинчи жузи асосида тайёрланди**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.